

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ Q'MITASINING
QARORI**

**Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни
қайта кўриб чиқиш тўғрисида**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ микдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 29 ноябрдаги 89, 2016-36-сон “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 2845, 2016 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 557-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

Молия вазири
Тошкент ш.,
2017 йил “27” декабрь,
187 -сон


Д. Кучкаров

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Тошкент ш.,
2017 йил “27” декабрь,
2017-74 -сон


Б. Парпиев

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг

2017 йил "27" декабр даги
187, 2017-74-сон қарорига

ИЛОВА

Алкоголли маҳсулотлар*
учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	6500	7800
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	22000	26400
Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	16000	19200

*Пиводан ташқари